



Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллиги олдидан



ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

«Шифокорнинг кўзи лочиндек ўтқир,
қўллари қизларнинг қўлларидек майин,
ақли илон каби доғинишмақд,
қалби шериксидек деворақ
бўлиши керак».

«Врач должен обладать
глазом сокола,
руками девушки,
мудростью змеи
и сердцем льва».

Абу Али ибн Сино.



Газета 1995 йил октябрь ойдан чиқа бошлаган. № 34 (290) 2002 йил 27 август — 2 сентябрь.

Сешанба кунлари чиқади. Сотувда эркин нархда.




Акратова Дилбар



Бобожонов Ислам Олимович



Зокиров Марат



Латипов Азим Шукрович

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«Ўзбекистон Қахрамони» унвони бериш тўғрисида

Мамлакатимизнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, дунё миқёсидаги шон-шухратини ва обрўсини юксалтириш, ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш борасида давлат ҳамда халқ олдидagi гоят катта хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларни раванқ топтириш йўлидаги узоқ йиллик қахрамонона меҳнатлари, ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган самарали ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қахрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин Юлдуз» медали топширилсин:

Акратова Дилбар — Ўзбекистон «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармасининг Наманган вилояти бўлими бошқаруви раиси

Бобожонов Ислам Олимович — Хоразм вилояти ҳокими Зокиров Марат — Жиззах Давлат педагогика институти қошидаги иқтидорли болалар лицейи директори

Латипов Азим Шукрович — Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги «Бухоро» ширкат хўжалиги раиси


Саидов Муродулло — Қашқадарё вилояти Усмон Юсупов туманидаги Жейнов ширкат хўжалиги раиси

Шарафиддинов Озод Обидович — «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири, адабиётшунос


Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2002 йил 23 август.



Саидов Муродулло



Шарафиддинов Озод Обидович

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон фани ва маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум фан ва санъат арбобларини мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон фани ва маданияти ривожига бекиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини Ватан, халқ ва миллат тараққиётига бахшида этган бетакрор истеъдодли ватандошларимизнинг хотирасини ёд этиб ҳамда улар қолдирган катта илмий-ижодий меросини инобатга олиб, қуйидаги марҳум олим ва санъаткорлар «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин:

Ҳабиб Абдуллаев — академик

Содиқ Азимов — академик

Тўхтасин Жалилов — Ўзбекистон санъат арбоби, бастакор

Убай Орипов — академик

Игорь Савицкий — Ўзбекистон санъат арбоби, расом

Тошмуҳаммад Саримсоқов — академик

Саъди Сирожиiddinov — академик

Обид Содиқов — академик

Ҳамид Сулаймонов — Ўзбекистон фан арбоби, манбашунос олим

Олим Хўжаев — Ўзбекистон халқ артисти, актёр

Собир Юнусов — академик

Тошмуҳаммад Қори Ниёзий — академик (Қориниёзов)

Яҳё Ғуломов — академик

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2002 йил 23 август.

ЎДАКЛАРИ ОНА СУТИ

Маълумки, БМТнинг болалар жамғармаси ЮНИСЕФ, Ўдакларни она сuti билан боқилиши қўллаб-қувватлаш халқаро дастури буйича бир неча йиллардан буён иш олиб бормоқда. Яқинда Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонаси «Бизнес маркази» залида юқорида

БИЛАН ОЗИҚЛАНТИРАЙЛИК!

ги дастур юзасидан икки кунлик халқаро кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг муовини А. Комилов, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг координатори С. Аванзини, «Казахская Академия питания» ёпиқ турдаги ҳиссдорлик жамиятининг

президенти, академик Т. Шарманов, профессор Т. Чувалова, шунингдек, вилоятлар, туманлар соғлиқни сақлаш муассасалари ва жамоатчилик илмий-тадқиқот марказлари вакиллари, педиатр, гинеколог-шифокорлар, МДХ мамлакатлари мутахассислари ҳам иштирок этди. Ингилишдан қўзланган асосий мақсад маҳаллий аҳоли ўртасида она сuti — бола соғлиги учун жуда муҳим

аҳамиятга эга эканлиги ва чақалоқларни сунъий сuti воситалари билан боқиб уларнинг соғлом ўсишига салбий таъсир қўрқатиш тарғиб қилишдан иборат. Ўдакларни она сutидан маҳрум қилиш, сунъий озиқлантиришда йул қўйилган хатолар ва бу маҳсулотлар сифатининг пастлиги кўп ҳолларда чақалоқларнинг нобуд бўлишига олиб келмоқда. Ўдаклар учун сунъий озиқ-овқат

харид қилишда йилига 8 миллиард АҚШ долларидан ошқиб маблаг сарфланади. Буни ҳисобга олсак мазкур соҳа бу қадар жиддий муҳокама қилинаётганининг асл сабаби аён бўлади.

(Тафсилотлар билан кейинги сонларда кенгрок танишасиз).




МУСТАҚИЛЛИК
АНЪЕНИ
МУБОРАК!

2-бет.



Компьютерное
моделирование на
рационализации сети
здравоохранения
опытных областей

3-4-5-6-стр.



Ушбу
сонда:



ИСТИҚЛОЛ —
БУ
ЎЛМАС
ЖАРАЁН

7-бет.




ВДА
ОЗҚВРОМ
БЕНГА
ОНА-
ВАТАНОМ

8-бет

РЕКЛАМА, ЭЪЛОНЛАР: ТЕЛ.: 133-13-22, 133-57-73.



МУСТАҚИЛЛИК АЙЁМИ МУБОРАК!



Субхонкул ОРИПОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган фан
арбоби, профессор

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН САОДАТ

Халқимиз ўзининг миллий байрами - Республикамиз мустақиллигининг 11 йиллигини кенг нишонламоқда. Ўтган ўн бир йил гарчи кўна тарих учун бир сония хисоблансада, шу қисқа мuddат ичида асрларга татигулик оламшумул ишлар амалга оширилганлигининг шохиди бўлиб турибмиз. Бу вақт ичида мустақил Ўзбекистонимиз бор файзу камоли билан ўзини бутун жаҳонга намоян этди. Шунинг фойдалари билан айташ мумкин, кўраи заминдаги мана-ман деган айрим ривожланган мамлакатлар бир неча ўн йиллар бадалда эришган натижаларни Ўзбекистон жуда қисқа мuddатларда забт эта олди.

Бугунги саодатли онлар сабабчи меҳнаткаш ва заҳматкаш халқимиздир. Халқимиз Батанимиз раҳнаси, юрт ободлиги, эл фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда. Янги-янги иншоотлар барпо этмоқда. Хар кўни ёки кўн ора янги дорихона, туғруқ комплекси ёхуд, бирон бир тиббиёт муассасаси иш бошлаганлиги ҳақида хушхабар эшитиб тураемиз. Бу ниманинг шарофати? Албатта, тинчлик, фаровонлик белгиси, ҳаётимиз тобора яхшиланиб, турмушимиз маданийлашиб бораётганлигининг далили дейиш мумкин.

Юртбошимиз 2002 йилни Республикамизда Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилдилар. Кекса, нуруний отахону онахонларимизни эъзозлашдан улуғроқ ва муҳимроқ ҳеч нарса бўлиши мумкин эмас. Шу боис, мазкур йилда ҳамма кўч ва эътибор республикамиздаги барча қарияларнинг моддий-маънавий эҳтиёжларини янада яхшироқ қондиришга қаратилган.

Биз орзу қилган, интиқиб кутган истиқлол мана, бугун 11 ёшда. Шундай бир азиз онларда мушоҳада қилиб, ўтган давларни эсласак Ватан - ҳамма нарсадан мўтабар ва азиз, муқаддас ва улуғ эканлигига имон келтиради, киши. Юртбошимиз айтганидек, келажаги буюк давлат бўлиши мана шу заминда тугилиб ўсган ҳар бир инсон ана шу юртга чексиз садоқати, меҳр-муҳаббатни, мурувати билан муносиб бўлмоғи, унинг янада гуллаб-яшнашига ўзининг имкон қадар улушини қўймоғи ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Азиз юрдошлар! Имониятдан фойдаланиб, барчангизни миллий байрам - Республикамиз мустақиллигининг 11 йиллиги билан муборакбод этаман. Сизларга сийхат-саломатлик, тинчлик-омонлик, бахт-саодат тилайман. Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги йўлида қўлаётган эзгу ишларингизда муваффақиятлар ҳаммиса ёр бўлсин! Шу билан бирга навқирон юртимизга, ҳар бирингизнинг оилангизга Оллоҳдан файзу барокат тилаб қоламан.

Ватан, Она, фарзанд — муқаддас тушунчалардир. Бу тушунчаларга имон, муҳаббат, садоқат жон бағишлайди. Ҳар бир инсоннинг ҳаёти она Ватан билан тўқисдир.

Ислом КАРИМОВ.

Мўйсафид Шарқимиз машъалидирсан,
Ой, куёш, юлдузлар сайқалидирсан,
Оламга юз очган буюк элдирсан,
Эй, обод диёрим Ўзбекистоним!



Феруз НАЗИРОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазир

МУСТАҚИЛЛИК ҒУРУР-ИФТИХОРИ

Халқимизнинг асрий орзу-армонлари ушалган энг ардоқли ва энг азиз кўн - Мустақиллик айёми мамлакатимизда ўн биринчи бор байрам қилинмоқда.

Истиқлол - кишилик жаҳияти ҳаётида янги мазмун билан бойилад. Иқтисодий-иқтисодий ва шу билан бир қаторда тиббиёт соҳаларидаги ишловлар буй-баста билан ўзини намоян этмоқда. Республикамиздаги жамияти вилоят, шаҳар ва қишлоқларимиз кўн-кўнга чирой очиб, таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда. Янги-янги корхоналар, турли иншоотлар, равон йўللар барпо этилмоқда. Мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар ўз салоҳияти ва қўламини жиддийдан асрларга татигуликдир.



Ҳа, Президентимиз олиб бораётган тиббиёт соҳасидаги ишловлар юртимиз тараққиётида туб ўзгаришни содир қилди. Хорижий ишбилармонларнинг республикамизга бўлган қизиқишини янада ошириб юборди. Бугунги кўнда эса чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорликда қўлаб тиббий марказлар барпо этилиб, улар республикамизнинг янада раванг топишига ўз хиссаларини қўшиб келмоқда.

Истиқлолимиз шарофати ила барпо этилган ана шундай йирик тиббиёт муассасаларидан бири - Республика Урология марказидир. Ушбу янги марказ Германияда ишлаб чиқарилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда олти минг нафардан ортиқ беморга малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатилади, зарур ҳолатларда эса жаррохлик муолажалари бажарилади. Шунингдек, жорий йилда Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимида қўли салоҳиятга эга янги тузилма шаклланишининг дастлабки босқичи низоҳасига етди. Жумладан, шовилинч ёрдам хизматининг барча бўғинлари учун даволаш-диагностика ва жиҳозлаш бўйича андозалар ишлаб чиқиб, жорий этилди.

Республика Шовилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази иш бошлагани мамлакатимизда тиббиётнинг ушбу соҳасини янги босқичга қўтариш борасидаги улкан қадам бўлди. Санитария авиацияси ва «Тез ёрдам» хизмати бирлаштирилган бу муассаса республикамиздаги мазкур соҳани тула қамраб олгани билан аҳамиятлидир.

Бу марказга дунёнинг энг тараққий этган мамлакатларида ишлаб чиқарилган, юқори технологияга асосланган тиббиёт ускуналари ўрнатилган.

Ҳа, биз тиббиётнинг бошқа соҳаларида ҳам эришяётган ютуқларимиз билан ҳақли равишда, ҳар қанча фархланасак арзийди. Азиз ҳамюртлар! Ҳурматли ҳамкасблар! Барчангизни ушбу улуғ байрам билан самимий муборакбод этишга руҳсат бергасизлар! Юртимизда, ҳар бир хонадонда тинчлик-хотиржамлик, оқсоқиллик барқарор бўлсин!



ХУРЛИК НЕЪМАТИ

— Вақт ҳеч бир қўлига сиймайди қонундир. Фасллар айланавради, йиллар ўтаверади, янги-янги авлодалар дунёга келавради. Ҳазрати инсоннинг меҳнати, бунёдкорлик фаолияти вақтга мазмун, ранг бағишлайди, уни аниқ мақсад ва режалар ижроси сари йўналтиради. Мақсад ва режа бор жойда ишнинг самарадорлиги бўлади. Бинобарин, истиқлолимиз бизга ана шундай бахту иқболни бердики, ишларимиз маҳсули мустақил юртимизнинг жаҳон ичра танилаётганлигидан далolat бериб турибди. Эҳе, 11 йил мобайнида амалга оширилган муваффақиятларга назар ташлаб, қилган ишларимизни сарҳисоб этсак, натижаларни санаб адронга етолмас керак. Жумладан, тиббиётимиз соҳасида ҳам нуфузли ишларнинг амалга оширилганлиги бундан мустасно эмас. Айниқса, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон банкининг ҳамкорликдаги «Саломатлик» лойиҳасининг фаолият кўрсатаётганлиги ҳам халқимиз саломатлиги йўлида олиб борилаётган хайрли ишлардан бири эканлиги фикримиз далилидир. Лойиҳа доирасидаги барча ютуқли ишлар истиқлолимизнинг бизга берган эркинлигидир. Ана шундай хурлик берилган экан Ўзбекистон фуқароси деган номнинг ўзи ҳар биримиз учун битмас-туганмас бойлиқдир. Азиз ҳамкасблар, юрдошлар, сизларни истиқлолнинг 11 йиллиги билан қизгин кутлайман. Соғлиқ ва бахту саодат ҳамроҳингиз бўлсин.



Жамшид МАКСУДОВ,
«Саломатлик»
лоийҳасининг амалга ошириш
маркази бюросининг
директори

тимиз соҳасида ҳам нуфузли ишларнинг амалга оширилганлиги бундан мустасно эмас. Айниқса, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон банкининг ҳамкорликдаги «Саломатлик» лойиҳасининг фаолият кўрсатаётганлиги ҳам халқимиз саломатлиги йўлида олиб борилаётган хайрли ишлардан бири эканлиги фикримиз далилидир. Лойиҳа доирасидаги барча ютуқли ишлар истиқлолимизнинг бизга берган эркинлигидир. Ана шундай хурлик берилган экан Ўзбекистон фуқароси деган номнинг ўзи ҳар биримиз учун битмас-туганмас бойлиқдир. Азиз ҳамкасблар, юрдошлар, сизларни истиқлолнинг 11 йиллиги билан қизгин кутлайман. Соғлиқ ва бахту саодат ҳамроҳингиз бўлсин.

Умумий амалиёт врач иш фаолиятида қуйидаги кўнималарга эга бўлиши керак:

1. Қўл учрайдиган касалликлар профилактикаси, ташхис қўйиш, даволаш ва беморлар реабилитацияси.
2. Шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш.
3. Тиббий муолажаларни бажариш.
4. Ташкилий ишлар.

Асосий масалаларнинг биринчи тури фаолиятига қирадиган вазифалар: (Профилактика, ташхис қўйиш, даволаш ва беморлар реабилитацияси).

Умумий амалиёт врач мустақил равишда қуйидагиларни билиши керак:

- беморни қўриқдан ўтказиш ва жисмоний текширувлар натижаларини баҳолаш;
- лаборатор ва инструментал текширувлар режасини тузиш;
- кон, сийдик, балғам, ошқозон суяқлигини, копурграмма, ликвор таҳлилларини, дуоденал, нурли, электрофизиологик ва бошқа текширувлар натижаларини таҳлил қилиш;
- қўл учрайдиган касалликларни олдини олиш, даволаш ва беморларни реабилитация қилиш принциплари ва усулларини билиш.

Умумий амалиёт врач мустақил равишда беморни текширувини, ташхис қўйишини, даволаш ва реабилитациясини ўтказди, заруриятга қараб қўшимча текширувларни, масалаҳатларни, касал-хоналарга ётқизишни ташкил қилади, кейинчалик тавсияларни бажаради ва қуйидаги касалликлар аниқланганида беморни назорат қилади:

1. ИЧКИ КАСАЛЛИКЛАР:

НАФАС ОЛИШ АЪЗОЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Ўткир ва сурункали бронхитлар, бронхоэктатик касаллиги, бронхиял астма, зотилжам (пневмония), альвеолитлар, ўпка саратони (рак), сурункали нафас етишмовчилиги, қуруқ ва экссудатив плевритлар, пневмосклероз.

КОН АЙЛАНИШ ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Гипертония касаллиги ва симптоматик гипертониялар, гипотония, атеросклероз, юрак ишемик касаллиги, миокард инфаркти, стенокардия, инфарктдан кейинги кардиосклероз, атероскле-

ротик кардиосклероз, туғма ва орттирилган юрак нуқсонлари.

Миокард касалликлари: миокардитлар, миокардиострофия, кардиомиопатия.

Эндокард касалликлари: инфекция эндокардит, юрак аритмиялари ва блокадалари, кон томир вегетатив дистонияси.

1. ОВАТ ХАЗМ ҚИЛИШ АЪЗОЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Қизилўнғач касалликлари: қизилўнғач ахалазияси, эзофагит, қизилўнғач пептик яраси, сурункали гастритлар, оват хазм қилиш аъзоларининг функционал бузилиши, ошқозон ва 12 бармоқли ичак яра касаллиги, ошқозон саратони ва бошқа ўсималар, ошқозон операциясидан кейинги хасталиклар, дуоденит, сурункали энтерит, сурункали колит, ностецифик ичак яра касаллиги, ичакнинг функционал касалликлари, ўткир ва сурункали панкреатит, дисбактериоз.

ЖИГАР, ЎТ ҚОПИ ВА ЎТ ЙЎЛЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Ўт қопи ва ўт йўллари дискнезияси, холестистит, холангит, ўт тош касаллиги, сурункали гепатит, ўткир гепатит, жигар циррози.

СИЙДИК ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Ўткир ва сурункали гломерулонефрит, ўткир ва сурункали пиелонефрит, сурункали буйрак етишмовчилиги, сийдик тош касаллиги, буйракнинг токсик касалликлари, ўткир ва сурункали цистит, уретрит, простатит, простата безининг хавфсиз гиперплазияси, фимоз, парафимоз, крипторхизм, болалардаги қовқу-сийдик найчалари рефлюкси, сийдик тутолмаслик, энурез.

КОН КАСАЛЛИКЛАРИ

Анемиялар: гемолитик анемия, темир-дефицитли анемия, В12 ва фоллий кислотаси етишмовчилиқ анемия, геморрагик диатезлар, лимфаденопатия, кон томирларида тарқалган кон явиш синдроми (ДВС).

ЭНДОКРИН ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Қандили диабет, диффуз токсик буғоқ, гипотиреоз (микседема), Иценко-Кушинг синдроми ва касаллиги, буйрак усти безлари ка-

УМУМИЙ АМАЛИЁТ ХАМШИРАСИ НИЗОМИ

1. УМУМИЙ ҚИСМ

1.1. Умумий амалиёт хамшираси – хамширанинг ишнинг мутахассиси деб ҳисобланади, умумий амалиёт врач билан биргаликда ишлайди ва бириктирилган аҳолига тиббий хизмат кўрсатади.

1.2. Умумий амалиёт хамшираси лавозимига ўрта тиббий билим юртини «Умумий амалиёт хамшираси» иши бўйича ўқиган ва малака оширган хамширалар тайинланади.

1.3. Хўдудди бошқарув даволаш-профилактика мусассасаси раҳбари мустақил равишда умумий амалиёт хамширасини ишга қабул қилади ва бўшатишда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига асосланган ҳолда раёбатлантириш ва танбех бериш ҳуқуқига эга.

II. УМУМИЙ АМАЛИЁТ ХАМШИРАСИНING АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ:

2.1. Врач томонидан тавсия қилинган профилактик, иммунопрофилактик, даволаш тадбирларини ўтказиш.

2.2. Беморларга жароҳатланганда, захарланишда, тез ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, беморларни касалхоналарга ётқизишни ташкил қилиш.

2.3. Врачнинг амбулатор қабулини ташкил қилиш, иш жойини тайёрлаш, беморларнинг индивидуал карталарини ва дориномаларни тайёрлаш.

2.4. Хонада санитария-гигиена, асептика ва антисептика қоидаларига риоя қилиш, муолажадан кейинги асоратларни, гепатит, ОИТС касалликларини олдини олиш тўғрисидаги қўлланмалар ва буйраклар асосида иш тутиш.

2.5. Тасдиқланган ҳисоб-китоб, статистика ва тиббий ҳужжатларни юритиш.

2.6. Дори-дармонлар, боғлов материаллари, тиббий асбоб-ускуналар ва махсуз бланкаларнинг ҳисобини олиб боради. Тиббий аппаратларнинг сақланиши, ишлатилиши, вақтида таъмирланишини назорат қилиш.

2.7. Бириктирилган аҳолини, уй шароитида қаровга муҳтож бўлган беморларнинг ҳисоби-

ни олиб бориш.

2.8. Аҳолини профилактик қўриқдан ўтказишда катнашиш.

2.9. Диспансер назоратида турган беморларнинг ҳисоби, узок мuddат ётган беморларнинг ҳисоби, назорати ва вақтида қабулга чақирилиши ташкил қилиш.

2.10. Тиббий-оқарув ишларида, соғлом турмуш тарзини тарғибот қилишда, равионал овқатланишда, чинқиришда катнашиш.

2.11. Жароҳатланишда, захарланишда ва ноҳуш ҳодисаларда ўз-ўзига ва бир-бирига тиббий ёрдам бериш бўйича ўқув машқларини ўтказиш.

2.12. Лаборатор ва инструментал текширувлар ўтказиш.

2.13. Ўз мутахассислиги бўйича доимий равишда савиясини ошириш.

2.14. Ички иш тартибига, тиббий этикага, техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси талабларига риоя қилиш.

2.15. Хомилдорларни ва гинекологик касалликларни вақтида аниқлаш, хомилдорларни ва туққан аёлларни патронаж қилиш.

2.16. 3 йилгача бўлган соғлом болаларни, жумладан янги туғилган чақалоқни уйда патронаж қилиш, болаларнинг овқатланишини назорат қилиш.

2.17. Эпидемиологик маълумотлар асосида юқумли касалликлар билан касалланганларни, улар билан мулоқотда бўлганларни ва юқумли касалликларга шубҳа туғдирувчиларни аниқлаш мақсадида уйма-уй юришларда катнашиш.

III. УМУМИЙ АМАЛИЁТ ХАМШИРАСИНING ХУҚУҚЛАРИ

3.1. Ишни ташкил қилиш, керакли дори-дармонлар, боғлов воситалари билан таъминлаш ва даволаш-профилактика ишларини яхшилаш тўғрисида врачга тақдирлар киритиш.

3.2. Бириктирилган ҳудудларда соғлиқни сақлаш бўйича йиғилишларда катнашиш.

3.3. Малака ошириш мусассадаларида ўз савиясини ошириш.

IV. УМУМИЙ АМАЛИЁТ ХАМШИРАСИНING МАСЪУЛИЯТИ:

4.1. Умумий амалиёт хамшираси ўз соҳасида йўлга қўйилган қамчиликлари ва беморларга etkazган зарари учун қонун талаблари асосида жавабгардир.

ДЎБББ бошлиғи Ф. О. ИЛХОМОВ.

О ва БМКББ бошлиғи Н. К. ТУРБЕВА.

– юмшоқ боғловлар қўйиш;
– суяқлар синишида транспорт иммобилизацияси;
– йирингли ярачаларни кесиш ва тозалаш.

Неврологияда ишлатиладиган билимлар ва муолажалар:

– ҳаракатлантирувчи асаб марказларини текшириш (гавданинг туриши, мушак тонуси, кон-трактура, мушаклар атрофияси);
– сезувчанлиқни аниқлаш;
– пай рефлексларини аниқлаш;
– координацион бузулишларни баҳолаш;
– бош мия нервларининг фаолиятини аниқлаш.

Оториноларингология муолажалари:

– риноскопия, фарингоскопия, ларингоскопия, отоскопия;
– эшитиш найчасининг ўтказиш қобилиятини текшириш;
– бодомсимон безларни ювиш;
– қулоқни ювиш.

Офтальмологик муолажалар:

– кўз кўриш қобилиятини аниқлаш;
– кўриш чегараларини аниқлаш, ранг фарқлаш, кўз тубини кўриш.

Акушер-гинекология ва педиатрия соҳа-лари бўйича билимлар ва муолажалар:

– кинни иккибармоқли ва ректовагинал текши-руви;
– ҳомиладорлиқни ташхислаш;
– бачадон ичи спирални қўйиш;
– ҳомиланing юрак урушини аниқлаш;
– физиологик туғруқларни бошқариш;
– йўлдош ҳолатини баҳолаш;
– гўдак аҳолини баҳолаш;
– гўдакни бирламчи тозалаш;
– киндикка ишлов бериш;
– гўдак рефлексларини баҳолаш;
– болаларни психомотор ва жисмоний ривож-ланишини баҳолаш;
– эмлаш;
– кўкрак безларини кўриш ва пайпаслаш;

Асосий масалалар тўртинчи тури фаоли-тига қирадиган вазифалар: (Ташкилий ишлар)

Умумий амалиёт врач бириктирилган аҳолини

6

саллилари (Аддисон касаллиги, феохромоци-тома), патологик семизлик, подагра, гипо – ва авитаминозлар, рахит.

Бўғимлар ва бириктирувчи тўқима касалликлари

Системали касалликлар: қизил волчанка, склеродермия, тугунли периартрит, дерма-томиозит, ревматизм, ревматоид артрит, ре-актив артрит, деформацияловчи остеоартроз, Бехтерев касаллиги, Рейтер синдроми ва ка-саллиги, суяқлар ва бириктирувчи тўқиманинг ўсма касалликлари, умуртқа остеохондрози, ломбаго, остеопороз, миозит, контрактуралар, бурсит, тендовагинит, синовит, ясси оёқлик, умуртқа сколиоз, кифоз. Одатдаги елка суягини чиқиши.

II. ХИРУРГИК КАСАЛЛИКЛАР

Ўткир қорин оғриғи: ўткир аппендицит, ош-қозон ва 12-бармоқли ичак яраси тешилиши, ўткир холецистит, ўткир панкреатит, перито-нит, ичак тўтилиши, чурранинг қисилиши.

Қон томирлари касалликлари: ўткир арте-риал тромбозлар, эмболиялар, веналар вари-коз кенгайиши, флебит, тромбофлебит.

Йирингли касалликлар: абсцесс, флегмона, лимфаденит, панариций, шикастланишлар, жа-роҳатлар, суяқлар синиши, суяқлар чиқиши, суяқлар дарзлари, қўйиш, тери ва тери ости-ёғ қатламнинг хавфсиз ўсмалари, тери ости-га тирноқ ўсиши.

Тўғри ичак касалликлари: бавосил, тўғри ичакнинг тушиши, парапроктит.

III. АЁЛЛАР ЖИНСИЙ ОРГАНЛАРИ ВА СУТ БЕЗЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Сут бези касалликлари: мастопатиялар, фиброаденома, сут бези саратони (рак), ўткир ва сурункали салпингит, оофорит, дис-менорея, аменорея, алгоменорея, ҳомиладор-лик токсикозлари, прееклампсия, ҳомиладор аёлларда пешоб йўллариининг инфекцияси, ҳомиладорларда анемия, ҳомиладорларда ди-абет, ҳомиладорликда бетўтов қусиш, туғруқ-дан кейин аёлларнинг назорати (қон кетиш, инфекция, овқатланиш).

Туғиш асоратларидан келиб чиққан сут без-лари касалликлари: сўргич инфекцияси, мас-тит, сут безларида сут туриб қолиши, климак-терик давр, эндометриоз, хавфсиз ва хавфли ўсмалар.

3

IV. ЮКУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР

Юкумли ичак касалликлари ва инвазиялар: қорин тифи, салмонеллез, озик-овқат токсико-инфекциялари, дизентерия, ботулизм, амебиаз, лямблиоз, гельминтозлар.

Хаво-томчи инфекциялари: грипп, парагрипп, аденовирусли инфекция, тепки касаллиги, диф-терия.

Ўта хавфли (карантинли) инфекциялар: вабо, чечак, ўлат, куйдирғи.

Болалар инфекциялари: қизамик, қизилча, сув чечак, қўқ йўтал, полиомиелит.

Жароҳат инфекциялари: қоқшол, сарамас (рожа), кутуриш.

Бошқа инфекциялар: безгак, вирус-ли гепатит, учук, кандидомикоз, тошмали терла-ма, ОИТС.

V. СИЛ КАСАЛЛИГИ

Ўпка сили ва плеврит, ўпкадан ташқари аъзо-лар сили.

VI. АСАБ ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Бош мия томир касалликлари: бош мия қон айланишининг ўткинчи бузилиши, ишемик ин-сульт, геморагик инсульт, бош миянинг дегене-ратив ўзгаришлари, дисциркулятор энцефалопат-тия.

Периферик асаб тизими касалликлари: неврит-лар, плекситлар, радикулит, ишиас, алкогол по-линевропатияси.

Бош мия ва мия пардасининг яллиғланиши: ме-нингит, арахноидит.

Бош мия жароҳати: бош мия чайқалиши, эпи-лепсия, тутканок, нимсара (мигрень), паркенсон касаллиги синдроми.

VII. РУХИЙ КАСАЛЛИКЛАР

Шизофрения, невроз, рухий ўзгариш, сурун-кали алкоголизм, гиёҳвандлик, токсикомания, психосоматик касалликлар, сексопатологик бу-зилишлар, депрессия.

VIII. ТЕРИ ВА ТАНОСИЛ КАСАЛЛИКЛАРИ

Тери касалликлари: дерматит, токсикодермия, чилла яра (экзема), нейродермит, тугунли эри-тема, псориаз, қизил ясси темирлатки, пушти те-мирлатки, витиллиго, себорея, хуснбузар, уяли алопеция, тери саратони.

Пидермиялар: фолликулит, фурункул, карбун-

кул, гилд, менит.

Вирусли касалликлар: сўғал, камарсимон темиртки, трофик яралар, ётоқ яралар.

Дерматозоонозлар: битлаш, кичима, замбурғили тери касалликлари.

Таносил касалликлари: захм, сўзак, трихомониз.

IX. КУЛОҚ, ТОМОҚ, БУРУН КАСАЛЛИКЛАРИ

Ринит, синусит, фарингит, ларингит, трахеит, ангина, сўрунжалли тонзиллит, ўрта кулоқ яллиғла-ниши, кулоқ ташки йўли ва бурун бўлигининг ёт жисмлари, кулоқ кири тикини (серная пробка), гаранглик.

X. КЎЗ КАСАЛЛИКЛАРИ

Яллиғланиш касалликлари: конъюнктивит, бле-фарит, дакриоаденит, дакриоцистит, говмикжа, кўёт жисмлар, глаукома, пресбиопия, гилайлик, катаракта.

XI. СТОМАТОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАР

Кариес, пародонтоз, гингивит, стоматит, глос-сит, оғиз бўйлиғи ва лаб саратони (рак).

XII. АЛЛЕРГИЯ КАСАЛЛИКЛАРИ

Эшакем, Квинке шиши, озк-овкат аллергияси, диатезлар.

XIII. ПЕДИАТРИЯ

Боланинг нормал ривожланиши, озкиланиш, эм-лаш, болалар травматизми ва кўнглисиз воқеа-ларнинг олдини олиш, гипертрофияли болани олиб бориш, келиб чиқиши ноанки бўлган гипертро-фия, диареяли бола, сувсизланган бола, коринда оғриқлари бўлган бола, боланинг кўсиши, болада ич қотиш, сарик касал бўлган бола, йўталётган ва хирллаётган бола, тошмали бола, болаларда тиршиб-тортишиш.

1. Респиратор касалликлар

Юкори нафас йўлларининг инфекциялари

- Тонзиллит
- Синусит
- Фарингит
- Ринит
- Ўттир эпитотит

2. Пастки нафас йўлларининг инфекцияла-ри

● Бронхиолит

● Ларингит

● Зотилжам (пневмония)

3. Юрак-кон томир касалликлари

● Юракнинг туғма иллати

4. Урогенитал (сийдик тизими) касал-ликлари

● Сийдик-жинсий аъзолар тракти (МПТ) ин-фекциялари

● Пиелонефрит

● Фимоз

● Баланиит

5. Ошқозон-ичак касалликлари (Гастро-энтерология)

● Пилоростаз

● Пилоростеноз

● Гижжали инвазия

● Гастро-эзофагал рефлюкс

6. Метаболик/алмашиниш касалликлари

● Кандли диабет

● Рахит

● Хомиллада гипотиреодизм

7. Асаб касалликлари (Неврология)

● Ривожланишнинг сустлиги

● Перинатал энцефалопатия

● Марказий нерв системаси туғма касал-ликлари

● Болалар церебрал фалажи (ДЦП)

● Даун хасталиги

8. Суяк-мускул тизими касалликлари

● Соннинг туғма чиққанлиги

● Бўйин кийишқик

● Туғма майомиклик

● Тос-сон бўғими дисплазияси

9. Ўспиринлар муаммолари ва касаллик-лари

● Ўшишлати муаммолар

● Нормал ўсиш ва ривожланиш

● Идиопатик сколиоз

● Жинсий ривожланишнинг сустлиги

● Эрта жинсий ривожланиш

● Ўз маъкеини белгилаб олиш: тапта кир-маслик, шахсий қадриятлар

● Гиеҳвандлик ва токсикомания

- Ичкилик ва чекиш
- Жинсий ахлоқ
- Овқат ҳазм қилиш тартибларининг бузи-лиши: анорексия, булимия, ўта семиршиш.

Асосий масалалар иккинчи тури фао-лиятга кирадиган вазифалар (Шошлинч тиббий ёрдам кўрсатиш):

Умумий амалиёт врач мустақил равиш-да билиши керак:

Касалхонага ётқизишдан олдин касалликка ташхис қўйиш, шошлинч тиббий ёрдам кўрсатиш, ёрдам кўрсатиш ва қуйидаги ке-чиктириб бўлайдиган ҳолатларда кўрсатила-диган тиббий ёрдамни аниқлаш:

– коллапс;

– кома;

– ўттир нафас етишмовчилиги;

– хикилдок шиши, сохта крут;

– астматик ҳолат;

– Квинке шиши;

– ўттир юрак етишмовчилиги;

– гипертоник криз;

– стенокардия, миокард инфаркти;

– жигар санъиғи;

– кон кетиши (артериал, веноз, меъда-ичак-дан, бурундан, бачадондан, ўпкадан);

– бўйрак санъиғи;

– ўттир сийдик туғилиши;

– фимоз, парафимоз;

– ўттир бўйрак етишмовчилиги;

– ўттир жигар етишмовчилиги;

– ўттир бўйрак ўсти безлари етишмовчи-лиги;

– бош миё чаикалиши, лат ёйиши, сикили-ши;

– «ўттир корин оғрини» (аппендицит, холе-цистит, яра тешилиши, чўра сикилиши, пан-креатит, ўттир ичак туғилиши ва х.к.);

– миё инсулти, миё кон айланлишининг ди-намик бузилиши;

– ўпка шиши;

– миё шиши;

– туғанок ҳолатлари, эпилепсия;

– абстиненция синдроми;

– психомотор кўзалувчанлик

– ўттир глаукома хуружи;

– кимёвий ва термик қуйишлар, совуқ ури-ши;

– электр токи билан жароҳатланиш, оқсод ури-ши, иссиқ урилиш;

– захарланиш;

– чўкиш, бўғилиш;

– тиреотоксик криз;

– суяқлар синиши, чўкиши, шикастланиши, дарз кетиши, пайлар чўзилиши;

– клиник ўлим;

– боланинг тўсатдан ўлиши.

Асосий масалалар учинчи тури фаолияти-га кирадиган вазифалар (Тиббий муолажаларни бажариш)

Умумий амалиёт врач (оилавий врач) му-стақил равишда қуйидагиларни бажариши керак:

Умумий билимлар:

– муолажаларнинг ҳамма турлари;

– тери орасига қилинадиган ташхисли син-малар;

– кон гуруҳини, Rh-факторни экспрес-сури билан, коннинг бир-бирига индвидуал ва био-логик мос келишини аниқлаш;

– коннинг яроқлигини аниқлаш;

– гемотрансфузия;

– ЭКГ олиш ва ўқиш;

– ташки кон оқини тўхтатиш;

– гемоглобинга, лейкоцитларга, эритроцитлар чўкиш теалигига кон таҳлилини бажариш;

– цитологик, бактериологик текширувлар учун суртмалар олиш;

– ковуқ катетеризацияси;

– ошқозонни ювиш;

– простата безини тўғри ичак орқали бармоқ билан пайнаслаш.

Шошлинч тиббий ёрдамда бажарилади-ган муолажалар:

– сунъий нафас («оспадан оғизга», «оспадан бурунга»);

– юкори нафас йўлларини тозалаш, суяқлик-ларнинг аспирацияси;

– юракнинг билвосита массажи;

– Трахеа – ёки коникотомия, трахеостомия.


Хирургик муолажалар:

– жароҳатни тозалаш, ишлов бериш, чоклар-ни олиш;

– қуйган ва йирингланган жароҳатта ишлов бе-риш;

31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

ИСТИҚЛОЛ — БУ ЎЛМАС ЖАРАЁН



Тарих тилга кирганда

ТАҚДИРДОШЛАР

Мустабид советлар тузуми кишиларни «қизил аскар», «босмачи», «кулоқ», «комиссар», «муштумзур», «йўқсил», «халқ душмани» деган тоифаларга бўлиб ташлаган эди. «Кулоқ» тамғаси остида минглаб оилалар қатли ом қилинди. Тарихимизнинг энг аламли саҳифаси ҳамон кўпчилик учун қоронғиликча қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2001 йилнинг 1 май кунидagi «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони мустақиллик даврида қатағон қилинган ватандошларимизни номма-ном аниқлаш, шаҳид бўлган юрtdошларимиз номини абадий сақлаш, тарихимизнинг «оқ доғлари» ҳисобланмиш жамоалаштириш ва у билан бевоқифа боғлиқ бўлган «кулоқлар» тарихини тадқиқ этиш, бир сўз билан айтганда, тарихий адолатни тиклашни мақсад қилди. Ушбу мақола эса шу йўлдаги бир уриниш ҳолос.

Мен кўп йиллардан бири асоссиз равишда қатағон қилинганлар тақдирини аниқлаш, улар ҳақ-ҳуқуқини тиклаш билан шуғулланиб келаман. Мустақиллик тўғрисида яқин тарихимизда содир бўлган қатағонликлар, қатли оmlар ҳақида баралла гапириш имконига эга бўлди. Зеро, И. Каримов «Асоссиз тарзда қатағон (репрессия)ларга дучор этилганларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш, уларга етказилган моддий ва маънавий зиён уринини қоплашни ўзимизнинг биринчи галдаги бурчимиз деб биламиз», деган эди.

Менинг болалигим Украинада ўтган. Уруш йиллари немислар зулмини бошимиздан кечирганмиз. Ўз кўрган-кечирганларим ҳақида бир неча бор турли газета-саҳифаларида ҳикоя қилганман. Энди эса тақдирдошларимнинг хотираларига қўлоқ солинг. Мен изланишларим жараёнида бу кишилар билан учрашиб, эсдаликларини ўз оғизларидан ёзиб олганман.

Эргаш ака Миртурсунов (ҳужжатида Яков Миртурсунов) сўзи: «Отам Миртурсунов бува, онам Баҳри буви, укаларим Миржўра, Миртўралар ва синглим билан 6 жон 1930 йилнинг ёзида Қибрай қишлоғидан Украинанинг Херсон вилоятига сургун қилинганмиз. Бизлар Скадовск туманининг биринчи пахтачилик совхозига қарашли Нижегалинка хуторига жойлашдик. 1933-34 йиллардаги очарчиликда ота-онам, укаларим ҳаммалари очликдан, касалликдан вафот этишиб бир ўзим қолдим. Мени «Новая маячка» болалар уйига юборишди. Уруш бошлангунча шу ерда тарбияландим. Болалар уйини мамлакат ичкари-сига кўчиришганда мени бир кампир ўғил қилиб олиб қолди. Тутинган онам билан икки йил бичраг яшадим. 1941 йилнинг кузига фашистлар бостириб келишди. Икки йил қамалда яшадик. 1943 йил кузига биз яшаган жойлар озод қилинди. Мени ҳарбий хизматга олишди. Икки йилдан ортик урушда қатнашдим. Ғалабани Берлинда кутиб олдим. 1946 йили хизматдан бўшаган хизматдош дўстларим билан Тошкентга келдим. Хеч кимни танимас эдим. Бир ойда дўстимникида яшаб юрдим. Бир кун Қибрайга тўйга айтиб қолишди. Бу ердан 16 йил олдин кетганим учун Қибрай номи менга мутлақо нотаниш эди. Мен яшаган хонадон Қибрайга қуда бўлган экан. Тўйга бордик. Тўйда қариялар сўраб-суриштириб

қолишди. Отамнинг исмини базўр айтиб бердим. Ўрислашиб кетган эдим. Қибрайлик Абдурашул ота, Тилиб оталар бу бола Миртурсунов аканинг ўғли-ку, дейишиб, Замира онамни чақириб келишди. У бундан 36 йил аввал турмушга чиқиб, шу ерда қолган экан. Тўйга қий-чўв, йиғи-сиги улашиб кетди».

Афсуски, Эргаш ака — Яков орамизда йўқ.

Қатағон бўронига учраган, ота-оналари билан Украинанинг чўлларида кўчирилган қибрайлик Исроил Осулжонов сўзи:

«Сургун қилинганимизда 2 ёшда эканман. Отам 1933 йил очарчиликдан вафот этган. Онам пахта даласида ишлаган. Боқиб қийинлашган Оруз онамни олиб қолиб, акам Исмомил ва мени болалар уйига топширган. Уруш бошлангандан Днепр дарёси бўйидаги лагерда эдик. Фашист самолётлари шаҳар ва қишлоқларни бомбардимон қилишди. Бир воқеани унутмаман. 14 ёшда эдим. 1943 йилнинг баҳори. Бир тишли плугни 4 та ситигга тиркаб ер ҳайдаймиш. Бир кун қаттиқ шамоллаб ишга чиқолмай қолдим. Кимдир чақириб қолди. Аранг туриб кўчага чиқдим. Немис комендант билан полиция турибди. Нега ишга чиқмадинг дейишди. Касалман, иситмам бор, дедим. Комендант мени ёнига чақирди-да қўлидаги резинка қамчи билан елкамга шунақан-ки урдик, кўзимдан олов чиқиб кетди. Бошим айланиб гандирақлаб йиқилдим. У «Арбайт!» деб бақирди. Қарасам, яна урадиган, бор кучимни йиғиб иш жойига югурдим. Уша воқеани эсласам, ҳамон елкам оғрийди...»

Эҳе бу хотираларни яна ва яна давом эттириш мумкин. Минг қатла шуқурки, у кунлар ортда қолди. Кўрагимизга шамол тегди. Шу кунларга етказганига шуқур!

С. МҲМИНОВ.

Шеърят

ЧҲЛПОНА

(Тошкентдаги «Шаҳидлар хиёбони»да кечган ўйлар)

Бешигинг хувиллаб қазнокда қолди,
Онанг набирангга сақлади, толди,
Ғанимлар бошингга сиртмоғин солди,
Билмадим оёғинг қай гумроҳ чалди,
Кўкда юлдуз бўлиб учган Чўлпона,
Истиклол деб ўлим кучган Чўлпона.

«Андижонлик» гоҳи бўлиб «Қаландар»,
«Чўлпон» бўлиб гоҳи «Мирза Қаландар»,
Таржимон, ёзувчи, шоирсиз камтар,
Улуғсиз, юксаксиз осмонлар қадар,
Кўкда юлдуз бўлиб учган Чўлпона,
Истиклол деб ўлим кучган Чўлпона.

Андижондан салом олдим, келдим,
Сизни ўйлаб сокин хиёбон кездим,
Жисмсиз руҳингиз бошимда сездим,
Сиз кўрган ёзиқдан эзилдим, бездим,
Кўкда юлдуз бўлиб учган Чўлпона,
Истиклол деб ўлим кучган Чўлпона.

Ғарзандин бағрига олган Она ер,
Бир олам меҳрни дилбандига дер,
Озодлик йўлида машъал бўлган эл,
Асрлардан ошиб тафтинг беравер,
Кўкда юлдуз бўлиб учган Чўлпона,
Истиклол деб олам кучган Чўлпона.

Хўжамназар АБДУЛЛАЖОНОВ,
Шаҳрихон.

БИА ИЗҲОРИМ СЕНГА ОНА-ВАТАНИМ

Шеърят

ЎЗБЕКИСТОН ВАТАНИМ!

Яшнаган боғ-чарбоғли бир диёрим бор мани,
Тоши ҳам олтин бўлур, омад барорим бор мани
Гуллаган ошён бахти барқарорим бор мани,
Юрт таниган — танилган ифтихорим бор мани
Ўзбекистон Ватаним йўғу-борим бор мани.

Нечун олқишламай, тўйинг билан тонг маҳал,
Тошкентим кўркидан уялгуси Тошмаҳал
Не ажабки, шаънингга битсалар минг-минг газал,
Мен учун ўзга юрт йўқ, дунёда сендан гўзал
Ўзбекистон Ватаним гул-бахорим бор мани.

Не учун фахр этмайин, тупроғи тоғинг билан,
Жаннатда ҳам топилмас, мевали боғинг билан
Осиё юлдузисан порлаган чоғинг билан,
Мадҳиянг, хумо қуши ҳамда байроғинг билан
Қалбга ғурур беролган дилмадорим бор мани.

Келажакнинг буюқдир, ғаму-ғуссанг ариди,
Камол топмоқда ёшлар улар авлодинг марди
Тўтиё бўлсин кўзга, Ватан тупроғинг гарди,
Ватан ва халқ дардидир, азиз Юртбошинг дарди
Ўзбекистон Ватаним сафда норим бор мани.

Сенда мардлар кўп ўтган лол қолдириб дунёни,
Мардлар доим касб этган камтарлигу ҳаёни
Мард ўғиллар жон берди бермади сар Осиёни,
Улар руҳи тирикдир кўмиб бўлмас зиёни
Ўзбекистон Ватаним номус орим бор мани.

Даҳоларинг бўлган сени яна даҳолар келур,
Тафаккур ва билимга буюк танҳолаб келур
Баҳоуддин, Навоий, Ибн Синолар келур,
Юрта меҳрингни бер деб, ичдан нидолар келур
Буюк қилишдек сени қалб қарорим бор мани.

Шукрулло ҲАБИБУЛЛАЕВ,
шифокор.
Навоий вилояти.

ШУКРОНА

Шукрона айтамин кутлуг кунларга,
Маънога, мазмунга тўлуг кунларга,
Фаровон, нурафшон, улуғ кунларга,
Эй, озод диёрим Ўзбекистоним!


Мўйсафид Шарқимиз машъалидирсан,
Ой, қуёш, юлдузлар сайқалидирсан,
Оламга юз очган буюк элдирсан,
Эй, обод диёрим Ўзбекистоним!

Авлодлар умиди, орзу армони,
Маърифат бўстони, эзгу достони,
Дўстлигу тинчликнинг метин кўргони,
Эй, она маконим, кавкабистоним!

Ороминг бузса шум ёвлар ногаҳон,
Шармисор бўлгуси, топмагай омон!
Шарафинг сақлашга шаймиз ҳар қачон,
Эй, гуллаб-яшнаган боғу бўстоним!

Бахтлисан, бошингда нур сочар қуёш,
Каторда норинг бор, бисёр дўст, йўлдош,
Шоирнинг тилаги: юз минг ёшдан ош,
Эй, обод диёрим жону жаҳоним!

Искандар РАҲМОН.



Она юртим, азиз болангман,
Эрка тантиқ эмасман, билсанг,
Бир шифокор кўзи қорангман,
Қувонаман, табассум қилсанг.

Қайси фарзанд севмас онани,
У бахш этса кўзларига нур.
Тарк этаркан булбул чаманин,
Қўкка парвоз этолмас мағрур.

Она юртим, мен булбулингман,
Кучоғингни тарк этмам асло.



ИСТИҚЛОЛ

Истиқлолим мадҳиясин
баландроқ қуйла, дилим,
То, бу қўшиқ бағрида
қора доғлар қолмасин!
Истиқлол йўлларига
ким ғов бўлса, элим
Улоқтириб уларни,
армонлардан толмасин!
Истиқлолни қуйлаганда,
сўзла борини, дилим,
Дағал ҳисларни сийпалаб,
атласларга ўрама!
Ноҳақлик никобларин
йиртгин, қилич бўл «Шеърим».
Торни яна баландроқ чал,
эски куйдан сўрама!
Чунки, етмиш йилнинг кўп
доғларига ботганмиз
Дину иймондан ажраб
ўраликда ётганмиз.
Қизилларнинг зулмларин,
аламларин тортганмиз!
Дилларга хурлик тегди,
хурсизликни отганмиз!
Истиқболим мадҳиясин баландроқ
қуйла, дилим,
То, бу қўшиқ бағрида қора доғлар
қолмасин!..

Эркин ТУРСУНОВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Тошкент шаҳри.


ОНА ЮРТИМ

Хизматингни буюр, ўлингман,
Эрка-тантқиқ эмасман, аммо!

Қалбим жўшиб менга қуйла, дер,
Қўлларимга соз бердинг юртим.
Хизматимга таъзим қилиб ер,
Синаб кўрар юрагим ўтин.

Ижодқордир халқим ҳам мендек,
Оқ олтининг тенгсиз бойлигинг.
Ҳар бир лаҳзам йилларга тенгдек,
Орта юртим зеб-чиройлигинг.

Баҳром САЛОМ, профессор.
Самарқанд вилояти.



«Ўзбекистонда
соғлиқни сақлаш»

«Здравоохранение
Узбекистана»

Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир:
С. ОРИПОВ,
профессор.

Ижрочи муҳаррир:
И. СОАТОВА.

Таҳрир ҳайъати:
М. МИРАЛИЕВ, П. МИРЗОДАТОВ
(Бош муҳаррир ўринбосарлари),
Х. РАББАНАЕВ.

Манзилимиз: 700060, Тошкент,
Охунбобоев кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 133-13-22; тел. 133-57-73.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Кўмитасида
рўйхатга олинган, гувоҳнома № 00504.
Адади 10.000 нуска.
Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади.
Ҳафтанинг сешанба кунлари чиқади.
Мақолалар кўчириб босилганда «Ўзбекистонда соғлиқни
сақлаш»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.
Буюртма Г-716.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонасида чоп
этилади. Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.
Ҳажми 2 босма тобик. Формати А3. Офсет
усулида босилади. Газета IBM компьютерида
терийди ва сақланади.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда
далилларнинг тўғрилиги учун реклама
ва эълон берувчилар масъулдир.

Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚУШОҚОВ.
Босмахонага топширилиш вақти 20.00.